

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан
2024 йилнинг 6 ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Дастур доирасида (ПҚ-299) 20 та шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда **86 та** қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиб, **жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, тегишли қарорлар билан тасдиқланди.**

2. Қурилиш соҳасига оид 42 та техник-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва эскилари янгиланди (ШНК – 24 та, стандарт – 18 та). **51 та техник-норматив ҳужжатлар** вазирлик ва идоралар билан келишишга киритилган.

3. Намунавий лойиҳалар (12 типдаги мактаб, 4 типдаги мактабгача таълим ташкилоти, 2 типдаги қишлоқ оилавий поликлиника, 2 типдаги маҳалла маркази ва 6 типдаги кўп қаватли уйлар) энергия тежамкор технологиялар, материаллар ва лойиҳа ечимларидан самарали фойдаланган ҳолда, қайта ишлаб чиқилди.

4. “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 6 391 та объект лойиҳасини **экспертизадан ўтказилди.** Натижада **4,4 трлн. сўм** маблағ лойиҳаларнинг смета қисмидан иқтисод қилинди.

5. “Шаффоф қурилиш” тизимининг tender.mc.uz электрон платформаси орқали **4388 та** объект бўйича лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш **онлайн электрон тендер савдолари ўтказилди.** Натижада **228,7 млрд. сўм** маблағ иқтисод қилинди.

6. Давлат назоратини амалга оширишда 28 367 та объект назоратга олинди ва **112 мингдан зиёд** мониторинг ўтказилди. Қурилиш нормаларини бузган мутасадди ташкилотларга **63 мингта ортиқ** ёзма кўрсатмалар ва **5 018 та** таъсирчан чоралар кўрилди.

7. Пудрат ишлари ҳажми 79,8 трлн. сўмни (2024 йил январь-июнь) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **10,1 фоизга ўсди.**

8. Соҳа бўйича 5 турдаги фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига **380 та** лицензия ва **16 та** аккредитация **гувоҳномалари берилди.**

9. Жорий йилда 100 мингта хонадонли **кўп квартирали уй-жойлар қурилиши** бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Республикада жами **2,5 минг гектар** ҳудудда **53 та “Янги Ўзбекистон” массивлари** ташкил этилди. Янги ташкил этилган массивларнинг бош режа ва қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ҳисобот даврида ушбу массивларда **4,2 минг** хонадонли **104 та** уй-жойлар фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Республика жами бўйича **18,6 мингта** хонадонли **390 та** кўп квартирали уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, **1 560 та** кўп квартирали уйларда қурилиш ишлари давом этмоқда.

10. Иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан **725 минг** хонадонли **16 мингта** кўп қаватли уйлар ва **2 857 та** ижтимоий объектларга **4,4 млн. Гкал** иссиқлик энергияси етказиб берилди.

Худудлардаги **4 019 та** ижтимоий соҳа объектларида **локал иситиш тизимлари** кўмир ёқилғисига ўтказилди (боғча – 1 622 та, мактаб – 1 816 та, шифохона – 581 та).

Манзилли дастур (ПҚ-404) доирасида **14 та иссиқлик таъминоти объекти** бўйича **128 млрд.сўм** ҳамда Инвестиция дастури доирасида **75,9 млн. доллар хорижий кредитлар** (давлат кафолати остидаги) **маблағлари ўзлаштирилди.**

11. Кўп квартирали уйларни 2024 йилда жорий ва мукамал таъмирлаш мақсадида **5 409 та** кўп квартирали уйларнинг манзилли дастури тасдиқланиб, **2 342 та** кўп квартирали уйларда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилиб, **273 та** таъмирталаб лифт ускуналари янгиланди.

12. Республикасизда жорий йилда **ичимлик суви ва оқова сув тизимини ривожлантириш** учун **2024 йилда** давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **170 та** ичимлик ва оқова сув объектларида **709,5 км** ичимлик ва **268,1 км** оқова сув тармоқлари, **77 та** ичимлик ва **37 та** оқова сув иншоотларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун **1,2 трлн.сўм** маблағ ажратилган.

2024 йил 1 июнь ҳолатига **556,7 млрд.сўм (46 фоиз)** маблағ молиялаштирилди ва **809,5 млрд.сўм (66 фоиз)** маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан **478,7 км** ичимлик (**67 фоиз**) **142,8 км** оқова сув (**53 фоиз**) тармоқлари ва **36 та** ичимлик (**47 фоиз**), **9 та** оқова сув (**24 фоиз**) иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди.